

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 79 (335), 2021 йил 21 апрель, чоршанба



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги нишонлангани муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 12 000 000 (ун икки миллион) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.
2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа

вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда Ватанимиз озодлиги ва шон-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маданий-маърифий кечаларни ўтказсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 20 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб бегуноҳ одамларнинг бевақт ўлимига, мислсиз йўқотишлар ва талафотларга сабабчи бўлган дунёда энг даҳшатли, қонли қиргинлардан бири сифатида инсоният тарихида муҳрланиб қолди.

Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ҳам ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага улкан ҳисса қўшди. Хусусан, 2 миллионга яқин юртдошимиз жангларда иштирок этиб, уларнинг

500 мингдан ортиги қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Шу билан бирга, уруш даврида республикамиз фронт учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа ва бошқа воситаларни етказиб берадиган муҳим таъминот марказларидан бирига айланди. Айниқса, юртдошларимиз жанглар давом этаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга кўчирилган 1,5 миллиондан ортиқ кексалар, аёллар ва ёш гўдакларни бағрига олиб, оғир дамларда улгарга бекиёс гамхўрлик кўрсатди.

Халқимизнинг тарих саҳифаларига ўчмас ҳарфлар билан битилган бундай мардлик ва матонат, олижаноблиги, меҳр-муруввати ва юксак маънавияти барчамизнинг қалбларимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлаб, фарзандларимизни ватанпарварлик ва аجدодлар жасоратига садоқат руҳида тарбиялашда илҳомлан-тириб келмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

БЕБАҲО МЕРОС

АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ БЎЛИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ



Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Юртимиз буюк алломалари, мутафаккирлари ҳамда азиз-авлиёлари билан шуҳрат қозонган. Уларнинг бой илмий-маънавий мероси, бетакрор кашфиётлари дунё илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Президентимиз ташаббуси билан аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш, қадамжоларни янада обод этиш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.



Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасида уламолар, нурунийлар билан бўлиб ўтган учра-

шувда мўмин-мусулмонларни ва бутун Ўзбекистон халқини улғур Рамазон ойи билан муборакбод этди.

▶ Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚОС

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ



Давлатимиз раҳбари 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида “Ургут” эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан танишар экан, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, янги ва истиқболли лойиҳаларни кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди. Фаоллар билан ўтказилган йиғилишда Ургут туманини тўлиқ эркин иқтисодий зонага айлантириш, вилоятнинг барча ҳудудида ушбу иқтисодий зонанинг филиалларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берди. Шунингдек, “Ургут” эркин иқтисодий зонаси негизда ҳолдинг компания тузилиши қайд этилди.

▶ Давоми 3-бетда

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Ўзбекистон – Покистон саммити: имкониятлар эшигини очган тарихий учрашув

Покистондаги етакчи ахборот агентлиги — “Diplomatic News Agency” веб-сайтида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг онлайн саммити якунларига бағишланган мақола чоп этилди.

Мақола муаллифи, таниқли минтақавий эксперт Маҳмуд Ул Ҳасан Хон саммит аҳамиятини икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берган, янги имкониятлар эшигини очган тарихий учрашув, дея баҳолайди.

Экспертнинг фикрича, Марказий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан манфаатли алоқаларни ривожлантириш Президент Шавкат Мирзиёев юритаётган ташқи сиёсатнинг бош мақсадидир. Бу стратегик мақсадлар минтақада тинчлик, бар-

қарор ривожланиш ва дўстона муҳит шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Пировардида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми ўртача 50 фоиздан ошди.

▶ Давоми 2-бетда

ТААССУРОТ

БЎЗАТОВДА БАХТ БАҲОРИ



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шoirи

Бу дунёни англаш уни кўришдан бошланади. Халқимизнинг “юрган дарё...” мақолини тилга олсак, бежиз кўксимизда тўлқинлар тўлғонмайди. Дарё ёқалаб одимлаб бораётган киши билолмай қолади, у дарёга эргашяптими, дарё унга?! Ҳа, олам гўзал! Шу гўзалликка боқиб, энтикиб турган одам эса оламдан-да гўзал. Чунки қалбга кўчган гўзаллик ҳад-

худдусиз бўлади. Яна бир аён ҳақиқат бор. Йилнинг тўрт фасли ўз фурсатига, ўз вақтига султон. Аммо баҳор барибир бошқача... Баҳорнинг бу дунёга, ҳатто тоғу тошга, саҳроларга-да бирдек бахш этган кўрку файзи олдида қолган фаслар бош эгади. Шубҳангиз бўлса, марҳамат, Қорақалпоғистонга келинг! Бўзатовга бахтли яшашга ҳақли-ку, деган хижолатпазлик вужудингизни кемиради.

САОДАТ ЙЎЛИНИ ИЗЛАГАНЛАР

Беихтиёр ҳаёлда ортада қолган йиллар юз очади. Бугунги Бўзатов бағрида балқиб, кечаги Бўзатовни кўз унгингиздан ўтказасиз. Утмиш сизга ўз кўзгусини тутди. Бу кўзгу сатҳидаги гўбюрни артсангиз, ҳаёт барча ҳақиқати билан юз очади. Туйқус ёдингизга оғир кунларда айтилган халқ нақли келади: “Оч қоринга кўшиқ на ҳожаат?!”

Бўзатовликларга Бўзатов чулларининг фавқуллода гўзаллиги эмас, шоқоллар изғиб юрган чақалақзорлари, на ўзларига, на молларига сув топиб бера олаётган бечора-ҳол чўпонларнинг ожиз қиёфаси кўринади. Кутилмаган қаҳратон қақшатқанда, емиш-

сиз қолган чорваси ҳолини ўйлаб, Яратганга нола қилаётган молбоқарлар оҳига тасаввурингизда қандай шерик бўлганингизни билолмай қоласиз. Яна оғир ўйлар ўз домига тортади... Сиз ичаётган тотли сув уларда йўқ. Сиздаги табиий газ, нафақат уйингиз, балки кўчаларингизда ҳам порлаб турган чирқолар уларда йўқ. Улар ҳам биз каби бахтли яшашга ҳақли-ку, деган хижолатпазлик вужудингизни кемиради.

Бўзатовликларга Бўзатовнинг манзаралари эди. Бугунги Бўзатовда эса том маънода бахт баҳори юз очган! Зеро, баҳор ўз номи билан яшашга, яратилган, севиш-севишлишга чорловчи фасл. Агар ушбу мафтункор фасл қувончи шу ҳудуд одамларининг қалбига кўчган бўлса, гўзаллиги чехраларида акс этса, бу юртининг баҳори икки қарра дилбарлашади. Биз бугунги Бўзатовда ана шундай кўкламни, ўз баҳори бахтидан мамнун яшаётган бўзатовликларни кўриб, кўнглимиз гуллади, кўзимиз порлади. Беихтиёр ёдимга қорақалпоқ халқининг Бўзатовда туғилиб, камол толган оташин кўичиси Бердақнинг куйидаги икки сатри келди:
Шод қилиш учун ватанини
Бахт йўлини излар эдим!

▶ Давоми 6-бетда

ҚИЁСИЙ РАҚАМЛАР

Аҳолининг шахсий компьютерлар билан таъминланганлик даражаси (100 та уй хўжалигига нисбатан)

2010 йилда – 12 дона

2020 йилда – 60 дона



2015 йилда – 47 дона

Манба: Давлат статистика қўмитаси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Шунинг учун босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда буқилмас ирода ва мардлик намоён этиб, бугунги тинч ва осойишта кунларимиз учун жонини фидо қилган жасур юртдошларимизнинг муқаддас хотирасини эъзозлаш ва фахрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш юртимизда эзгу анъанага айланган.

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, орамиздаги барча фахрийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида:

1. Қуйидагилар: 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини, умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ;

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини, умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳ (А.Арипов): Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг "Хотира бор экан — миллат барҳаёт", "Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч" ширлари остида юқори савияда ўтказилишини таъминласин;

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда: вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқин ва амалга оширсин;

Тошкент шаҳрида "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуасида, вилоятларда "Ватанпарварлар" боғлари ва бошқа белгиланган жойларда ҳарбий техникалар намоиши, Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляциясини, жумладан, уруш йилларининг қўшиқ ва куйлари ҳамда тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсин;

4. Белгилансинки, байрам тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларининг Тошкент

шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий маросимларга темир йўл ва автомобиль транспортида келиб-кейтиши, меҳмонхоналарда жойлаштириш, овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, зарур ҳолларда, тегишли кийим-кечаклар билан таъминланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомиёлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қолланилади.

5. Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳрида 2021 йил 9 май соат 21.00 да Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам салютини ташкил қилсин.

6. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласин.

7. Хотира ва Қадрлаш кунини байрамни нишонлаш билан боғлиқ барча оммавий тадбирлар Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг тавсиялари асосида амалга оширилсин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 20 апрель

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик рамзи

Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виталий Фен ушбу мамлакатнинг “BOMI Engineering & Construction Co., Ltd.” компанияси раиси Ким Док Ёнг билан учрашди.



Мулоқотда Ким Док Ёнг бошчилигидаги делегациянинг 14-15 апрель кунлари Ўзбекистонга таширифи якунлари муҳокама қилинди.

Ким Док Ёнг Ўзбекистон раҳбариятига “Tashkent City” халқаро бизнес маркази ҳудудида “BOMI Financial Center” кўп қаватли бино

қурилишини амалга оширишда кўрсатилаётган ёрдам учун миннатдорлик билдирди. У Тошкент шаҳрида ҳукумат ишчи гуруҳи аъзолари билан бўлиб ўтган музокара-лар якунларини мамнуният билан қайд этди. Ушбу учрашув давомида томонлар “Tashkent City” ҳудудида

“BOMI Financial Center” қурилишини жадаллаштириш бўйича келишувга эришди ва биргаликда ўтказиладиган тадбирларнинг аниқ мuddатларини келишиб олди.

Ким Док Ёнг Сеулга қайтган, Ўзбекистондаги лойиҳа доирасида барча жараёнларни тезлаштириш учун мутахассислар гуруҳини тузганини маълум қилди. Пандемияга қарамай, компания вакиллари Тошкентта ташрифдан сўнг эришилган келишувларни ўз вақтида бажариш учун қўшимча маблағларни жалб қилди. Аини пайтда Ўзбекистон вакиллари ҳам объект қурилишида фаол иш олиб бормоқда.

“BOMI Engineering & Construction Co., Ltd.” раиси яна бир бор компания Тошкентда энг замонавий ва юқори технология био қуришга тайёр эканини тасдиқлади. Ким Док Ёнг “Tashkent City”даги “BOMI Financial Center” Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик рамзига айланишини таъкидлади.

“Дунё” АА Сеул

БЕБАХО МЕРОС

Аждодларимизга муносиб бўлиш – муқаддас бурчимиз

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз буюк бобокалони-мизга мос қадамжонинг янги лойиҳаси билан танишиш, мажмуада амалга оширилаётган ишларни кўздан кечириш жараёнида: “Рамозон ойи — эзгу ниятлар ижобат бўладиган муқаддас ой. Бу қурилишни шу ойда бошлаётганимиз ҳам хайрли, хосиятли бўлади, қалбимизга таскин беради. Бу соҳада қилаётган ишларимиздан мақсад — исломга эътиқодимизни, аллома боболаримизга ҳурматимизни илм билан билдириш. Аждодларимизга муносиб бўлиш биз учун жуда катта бурч”, дея таъкидлади.

Лойиҳага кўра, мажмуа таркибига кирувчи масжид ички саҳннинг ўзи икки минг квадрат метрдан ошади. Атрофдаги саҳнлар билан масжидда бир неча ўн минг мусулмон бир вақтнинг ўзида ибодат қилиши мумкин. Бу ерда симметрик тўртта минора, баланд айвонлар, йўлдан кириб келишда хиёбон бўнбўд этилади. Кўп сонли зиёратчиларга замонавий қулайликлар яратиш учун 7 та меҳмонхона, 3 та автогараж ва автобекат, супермаркет, бозорча барпо этилади. Ошоналар, хунармандчилик бюмлари растаси, ҳаммом, таҳоратхона, кўшона қурилиши ҳам белгиланган.

Президентимиз ташаббуси билан 2019 йилда бу ерда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактаби ташкил этилган эди. Қурилажак янги мажмуа улар билан мутаносибликда улкан маҳобат касб этади. Энди бу ерда зиёратчилар учун ҳамма шароитлар яратилади.

Имом Бухорий мажмуасидаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари жараёнида бобомиз макбарасининг ҳозирги қурилишини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу пайтгача макбара остидаги қабрни зиёрат қилиш имконияти йўқ эди. Янги лойиҳада қабр атрофи кенгайтирилиб, зиёратчилар учун ҳар томонлама қулайлик яратиш кўзда тутилган.

Қайд этилишича, мажмуада қурилиш ишлари жараёнида бу ердаги тарихий ҳовуз ва бир неча юз йиллик чинорларга зиён етказилмайти. Уларни асраб-авайлаш, ўз ҳолида сақлаш учун барча зарур чоралар қурилади.

Имом Бухорий ҳазратлари муқаддас динимиз равнақиға улкан ҳисса қўшган буюк муҳаддис. Ҳаёти давомида пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадисларини тўплаб, уларнинг саҳиҳларини ажратиб, Қуръонни каримдан кейинги иккинчи ишончли манба — “Саҳиҳи Бухорий” номи

билан машҳур ҳадислар тўпламини тузган. Бугунги кунда ҳам мазкур асар бутун дунё мусулмон уммати учун ниятда қадри ва қимматлидир. Шу боис, улуғ аждодимизнинг бемисл хизматлари алоҳида қадрланади ва юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади.

Ҳазрати пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: “Менинг ғамимни эшитиб, ёдлаб, сўнгра қандай эшитган бўлса, ана шундай етказган одамни Аллоҳ неъматлантирсин”, деганлар (Имом Термизий ривояти).

Манбаларда ёзилишича, Имом Бухорий ҳазратлари жуда оз улар, уйқудан ташқари пайтларида эса атрофдагилар ва кишини ё устозлардан ҳадис эшитаётган ёхуд ёзиб олаётган, ўзлари шогирдларга ҳадис айтаётган ёки ёлғиз ўтириб, қўлда қала билан жамлаган ҳадисларининг нодир жойларини қайд этиб ўтирган ҳолда кўра эди.

Бу ҳақда олимнинг шогирди Ибн Абу Ҳотим бундай дейди: “Бухорий илми сафарда бирга бўлиб, бир уйда тунашга тўғри келди. Ушанда шунинг гувоҳи бўлдими, у киши бир кечанинг ўзида ўн беш мартадан йигирма мартагача уйғониб, ҳар гал чақмоқ тошни ишлатиб чирокни ёқар, тўплаган ҳадисларининг саҳиҳларини ажратиб, белгилаб кўяр эди. Сўнг чирокни ўчириб, бошини ёстиққа кўяр эди”.

Имом Бухорий ҳадис ёдлашда ўтқир қобилият ҳамда зеҳнга эга бўлган. Ўзининг шоҳ асари бўлган “Жоме ус-саҳиҳ”ни таълиф қилиш олдидан жами олти юз минг, шундан юз минг саҳиҳ ва икки юз минг саҳиҳ бўлмаган ҳадиси ёд олганини зикр этган. Олим ҳадис илми равнақи йўлидаги буюк хизматлари учун “Имом уд-дунё” (“Дунё имоми”) мақомига мушарраф бўлган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Мужодала” сураси 11-оятда бундай марҳамат қилади: “Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур”.

Дарҳақиқат, улуғ аждодимиз Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи бутун дунё ислом уммати “Амир ул-муминин фил ҳадис” — “Ҳадис илмида мўминларнинг амири”, “Шайх ул-ислом” — “Мусулмонларнинг устози”, дея эҳтиром кўрсатадилар. Буюк мухтажд олими Имом Аҳмад ибн Ханбал “Хуросондан Мухаммад ибн Исмоилдек киши чиқмаган”, деган.

Мусо ибн Ҳорун Ҳаммом “Менимча, ислом аҳли барчаси жамланиб, Мухаммад ибн Исмоилга ўқшаш яна бир кишини еттиштирмоқчи бўлишса, эплай олишмайди”, дея марҳамат

қилган. Салим ибн Муҳожд “Олтмиш йилдан бери Мухаммад ибн Исмоилдан кўра фақиҳроқ, парҳезорроқ ва дунёда зоҳидроқ одамни кўрмадим”, дея эътибор этган.

Демак, Имом Бухорий ҳазратларининг мероси инсониятнинг маънавий бойлиғидир. Аллома асарлари згулини, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни тарғиб этади. Шу боис, бугун дунё мижъасида буюк муҳаддис тўплаган ҳадисларни ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон, Тожикистон ҳамда Афғонистон ўртасида диний-маърифий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилнинг 15 мартда Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий меросининг ўзига хос хусусиятлари мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда мазкур давлатлардан етуқ уламолар, диний соҳа вакиллари иштирок этди. Тадбирда минтақамиз мамлакатларида азалдан ўрганиб келинаётган Имом Бухорий илмий меросининг мазмун-моҳиятини батафсил очиб бериш, ушбу мероснинг ўзига хос хусусиятларини баён этиш, афзалликлари ва тарбиявий аҳамиятини кенг ёритиш ҳамда халқларимиз, айниқса, ёш авлодди ёт ғоялардан ҳимоя қилиш каби масалалар муҳокама этилди.

Халқаро анжуманда сўзга чиққан Афғонистон Ислом Республикаси иршод, ҳаж ва вақф ишлари вазирини Мухаммад Қосим Ҳалими: “Ўзбекистон шундай диёрки, Ер юзидеги ҳар бир мусулмон бу табаррук юртнинг зиёратига ошқадди. Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳининг макбарасини зиёрат қилдик. Бу табаррук жойда жуда катта ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, қадамжолар янада обод этилаётгани бизни гоят хушнуд этди. Буларнинг барчаси Президент жаноб Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатини янада обод, халқини янада фаровон қилиш, юксак билим ва салоҳиятли, ватанпарвар, миллий қадрият ҳамда анъаналарга, аждодларнинг бебаҳо меросига садоқатли авлодди камолга етказишдек эзгу орзу-умидларни рўёнга хизмат қилаётган. Ўзбекистон яна илм-фан марказига айланмоқда”, дея таъкидлади.

Мухтасар айтганда, Имом Бухорийнинг илмий мероси ислом маърифатини ўрганиш ва тарғиб этишда асарлари мазмун-моҳиятини очиб бериш, ўзига хос хусусиятларини баён этиш, айниқса, ёшларни улardan баҳраманд этиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

МУНОСАБАТ

САМАРАЛИ БИЗНЕС СТРАТЕГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ТРАНСФОРМАЦИЯ



Илҳом МАҲКАМОВ, транспорт вазири

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар “Uzbekistan airways” ҳамда “Uzbekistan airports” акциядорлик жамиятларини ҳам четлаб ўтмайпти. Айниқса, коронавирус пандемияси шароитида бу тармоқ фаолиятини такомиллаштириш масаласи янада долзарблашди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2018 йил 27 ноябрдаги фармони-га мувофиқ, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси негизида “Uzbekistan airways” ҳамда “Uzbekistan airports” акциядорлик жамиятлари тузилган эди.

Кўни кеча давлатимиз раҳбари ушбу акциядорлик жамиятларини трансформация қилиш чора-тадбирларига бағишланган тақдирот билан танишди.

2019-2020 йилларда пандемия оқибатида энг кўп жабр кўрган соҳалардан бири авиация тармоғи бўлди. Шу боис, Президентимизга мазкур соҳани трансформация қилиш, пандемия даврида юзага келган инқирозга қарши чора-тадбирлар бўйича маълумот бердик. Бу жараёнда асосий эътибор орқича сарф-харажатларини, персонални қисқартиришга қаратилди. Пандемиядан кейин кўплаб авиакомпанияларнинг бизнес юритиш стратегияси ўзгарган. Шунинг учун биз ҳам гибрид хизматларга ўтиш таклифини бердик. Бу давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди.

Янги бизнес стратегиясига кўра, қатновлар гибрид услуга ўтказилиб, тўлиқ хизматлар ва бюджет хизматлар модели бўйича амалга оширилади. Талаб кам йўналишларда бизнес тоифа бекор қилиниб, самолётлардаги ўриндиқлар сони кўпайтирилади. Асосий мақсад йўловчилар учун чипта нархини арзонлаштириш, хизмат кўрсатишини яхшилашдир.

Бундан ташқари, йўловчилар учун қулайликларни ошириш мақсадида соҳани рақамлаштириш, жумладан, “Aerolabs” онлайн хизматлар кўрсатиш тизимини ҳамда мижозлар билан ишлашни бошқариш учун CRM комплексини татбиқ этиш кўзда тутилмоқда. Шу йил учинчи чорақдан мавжуд 4 та А-320 самолётида лоукостер, яъни арзон қатновлар ташкил этиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчи ва юк ташини ҳамини мунтазам ошириб бориш, чипта нархини арзонлаштириш, ҳудудлардаги аэропортларда кетринг ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш бўйича қўрсатмалар берди.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Ўзбекистон – Покистон саммити: имкониятлар эшигини очган тарихий учрашув

Бошланиши 1-бетда

Мақолада Ўзбекистонда миллий валютани халқаро валюта саватиға қиритиш унинг асл қийматини мустаҳкамлаш ва қисқа вақтларда экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилиши ҳам алоҳида эътибор этилган.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари вазирликларо, парламентларо амалга оширилаётган лойиҳаларни янада фаоллаштириш, мудофаа ва хавфсизлик, савдо-иқтисодий, таълим, маданият ва туризм соҳаларидаги ўзаро алоқаларни кучайтиришга келишиб олди.

— Мен эксперт сифатида виртуал саммитни икки қардош мамлакат

ўртасида барқарор стратегик шериклик йўлидаги улкан қадам, деб атайман. Бу, албатта, Ўзбекистон — Покистон ўртасидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун имконият яратади, — деб ёзади Маҳмуд Ул Ҳасан Хон.

Мақолада Трансафғон темир йўли қурилиши ва мазкур транспорт коридорининг минтақавий аҳамияти ҳам тилга олинади. Бу йирик лойиҳа ишга тушиши билан минтақада ўзаро савдо-сотиқ илми форматда ривожланиши, шунингдек, саммитда Покистон денгиз портларига кириб бориш бўйича ҳам келишувларга эришилгани айтилади.

Муаллифнинг ёзишича, Ўзбекистон транзит транспорт ва савдо-сотиқни енгиллаштириш бўйича Хитой, Покистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ўртасида тузилган тўрт томонлама шартномага қўшилишга қизиқиш билдирган. Покистон томони Ўзбекистоннинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

“Жаноб Имом Хоннинг айтишича, Покистоннинг Карачи ва Гвадар портлари Марказий Осиё учун денгизга чиқиш эшиги бўлиши мумкин, чунки Покистон Марказий Осиё мамлакатларига халқаро денгизларга энг қисқа йўлни тақдим этади. Унинг қўшимча қилишича, Покистон Ўзбекистоннинг ўз портларига киришини оsonлаштиради”, деб ёзади эксперт.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚОС

2021–2022 йилларда 5 триллион сўмдан зиёд 78 та ихтисослашган лойиҳани амалга ошириш ва 2 669 та иш ўрнини яратиш режалаштирилган. Шунинг ҳисобига қурилиш материаллари sanoat ишлаб чиқариш соҳасида 57,4 миллион долларлик экспорт ва 63,6 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган 4 триллион 565,5 миллиард сўмлик қўшимча қувватлар яратилади. Прогнозларга кўра, маҳаллий бюджет 64,8 миллион сўм миқдоридagi қўшимча пул тушумлари манбага эга бўлади.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Маълумотларга кўра, мазкур даврда ЭИЗдаги иштирокчи корхоналар 11,9 триллион сўмлик 538 турдаги sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариб, 257,6 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилди. Бу эса пандемиянинг салбий иқтисодий оқибатларига қарамай, 2019 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 145 фоизга кўп демакдир. Шунингдек, 186 та янги корхона ЭИЗ иштирокчиси мақомини олди.

УЧ ЙИЛДА 101 ТА ЛОЙИҲА

Тошкент вилоятида 2012 йилда ташкил этилган "Ангрен" ЭИЗ жами 4125 гектар майдондан иборат. У Оҳангарон ва Ангрен шаҳарлари, Оҳангарон тумани ва шунингдек, Бекобод шаҳридаги ҳудудларни ўз ичига олади. Бир вақтлар ташландиқ, фойдаланилмай ётган бу



101 та лойиҳани жойлаштиришга эришилди. Уларни амалга ошириш учун 783,9 миллион долларлик инвестициялар, жумладан, 294,4 миллион доллар миқдоридagi тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

"Ангрен" ЭИЗ ҳақида сўз кетганда, Россиянинг иссиқлик изоляцияси материаллари ишлаб чиқарувчи "Пеноплекс" корхонасининг Ўзбекистондаги филиалини айтиш жоиз. Сабаби, ушбу корхона айнан Ангренда жойлашган. 2019 йилда фаолиятини бошлаган йирик корхонага 3,742 миллион долларлик тўғридан тўғри хорижий инвестиция киритилган бўлиб, бу ерда йилига юз минг куб метр кўпиртирилган пенополистиролдан тайёрланган иссиқлик изоляция плиталари ишлаб чиқарилади.

Компаниянинг Ўзбекистондан ташқари, Россия Федерациясида 8 та, Қозоғистонда 1 та иссиқлик изоляция материаллари ишлаб чиқарадиган заводи фаолият юритади. Ангрендаги корхонага Европада тайёрланган 500 кг/соат қувватга эга ишлаб чиқариш линияси ўрнатилган. У Ўзбекистон қурилиш бозори, шунингдек, Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидаги изоляция материаллари бўлган талабни қондириш имконини беради.

Айни пайтда корхонада 111 кишининг доимий бандлиги таъминланган бўлиб, уларнинг сифатли ишлаши учун қулай шароит яратилган. Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Утган йили қиймати 34,2 миллиард сўмлик 55 минг куб метр иссиқлик изоляция материаллари ишлаб чиқарилиб, шундан 233,4 миллион долларлик маҳсулот чет давлатларга экспорт қилинди.

Шунинг ҳисобига қурилиш материаллари sanoat ишлаб чиқариш соҳасида 57,4 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган 4 триллион 565,5 миллиард сўмлик қўшимча қувватлар яратилади. Прогнозларга кўра, маҳаллий бюджет 64,8 миллион сўм миқдоридagi қўшимча пул тушумлари манбага эга бўлади.

"Навоий" ЭИЗ — ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича республикадаги энг юксак sanoat аъналарига эга майдонлардан бири, десак муболага бўлмайди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида "National Plast" МЧЖ фаолиятини олиш мумкин. ПВХ профиллари ва маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ушбу корхона қурилишининг биринчи босқичи 2019 йилда бошланган бўлса, иккинчиси, утган



йили қўшимча қувватларни жорий этиш билан яқунланди ва бу 850 дан ортққ ешни доимий иш билан таъминлаш имконини берди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан эса sanoatдан тортиб, маиший соҳаларда ҳам фойдаланиш мумкин.

— Утган йили резина, металл кучайтиргичлар ва полиэтилен плёнка ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди "National Plast" МЧЖ директорининг сифат бўйича ўринбосари Камол Асомов. — Австриядан келтирилган юкори технологик ускуналарга асосланган 48 та линия орқали сифатли эшик, дераза ромлари, плитус, деразаточка узлуксиз ишлаб чиқарилмоқда. Утган йили кўшни Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда яқин ва узоқдаги бошқа хорижий давлатларга 10 миллион долларликдан зиёд маҳсулот экспорт қилдик. Ташқи бозорларга чиқиш халқаро сифат сертификатига эга бўлишни таъминлайди. Илгари, асосан, Хитойдан келтирилдиган ассосий хомашёнинг айримларини 2019 йилнинг декабрида ПВХ — поливинилхлорид ишлаб чиқариш заводи ишга туширилгандан сўнг "Навоийазот" АЖдан харид қилганмиз.

Бир сўз билан айтганда, "Навоий" ЭИЗнинг 90 нафар резиденти 93 та корхона очиб, умумий қиймати 291,2 миллион долларга тенг бўлган 52 та лойиҳани амалга оширди ва шу аснода 3 780 та янги иш ўрни яратилди. Яна 64 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилляпти.

Қуйдаги статистика ҳам инвесторларнинг тақлиф этилаётган имкониятларга қизиқиш билдираётганини кўрсатади. Сўнги уч йил давомида ЭИЗда амалга оширилаётган лойиҳалар сони 2017 йилда 7 тадан 2019 йилда 31 тага, маҳсулот ишлаб чиқариш эса 302,4 миллиард сўмдан 3,5 триллион сўмга ошган. Греция, Ҳиндистон, Эрон ва Хитой каби хорижий ҳамкорлар,

шунингдек, ички бизнес доиралари вакиллари билан олиб борилаётган музокараларда истиқболли йўналишлар сифатида қуруқ цианид, балиқ озуқаси, витаминлаштирилган ун, қуёш панеллари, иссиқхоналар учун металл конструкциялар ва металл дастгоҳлар ишлаб чиқариш белгилаб олинган.

"ҚЎҚОН" ЭИЗ: ТАДБИРКОРЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тўғрисида"ги фармони асосан, ташкил этилган "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида 86 та лойиҳа доирасида 69 та корхона фаолият юритмоқда. 2020 йил давомида 23 та иштирокчи томонидан 13,1 миллион АҚШ долларига тенг тайёр маҳсулотлар экспорт қилинган.

"Қўқон" эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган корхоналарнинг экспорт-импорт операцияларини тезкорлик билан амалга ошириш мақсадида "Маргилон" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси маъмурий биносиди доимий фаолият олиб борилиши таъминланмоқда. Бу эса тадбиркорларга ушбу зонадан чиқмаган ҳолда, экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш имконини беради.

Бугунги кунда "Қўқон" эркин иқтисодий зонасида қиймати 73,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 41 та лойиҳа тўлиқ ишга туширилган бўлиб, 2353 та янги иш ўрни яратилган.

Қиймати 161,57 миллион АҚШ долларига тенг 45 та лойиҳа бугунги кунда



Лойиҳани ишга тушириш учун 1,6 миллион АҚШ доллар сарфланган бўлса, унинг 0,6 миллион доллар тижорат банкининг кредитлари ҳисобланади. Бугунги карантин шароитида мазкур корхона тўла қувват билан фаолият кўрсатмоқда. Кенг, ёруғ цехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар барпо этилган. Бу ерда қирқ нафарга яқин киши иш билан таъминланган. Уларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилган.

Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида йилига 1 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги тиббиёт қўлқоплари ишлаб чиқариляпти. Айни кунларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижга, хусусан, Латвияга экспорт қилиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Айтиш керакки, "Ҳазорасп" ЭИЗнинг мавжуд ер майдонлари (2-худуди) мамлакатимизнинг Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Франция, Испания, Италия, Латвия, Польша ва Туркия давлатларидаги элчхоналари ҳамда дипломатик ваколатхоналарига тақсимланиб, ўзлари бириктирилган ҳудудларда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, камида биттадан янги инвестиция лойиҳасини жойлаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

ИМТИЁЗЛАРДАН ГАПИРИНГ!

Юқорида келтирилган рақамлар ва кўрсаткичлар нафақат инвестицион салоҳият ўсганидан, балки халқимизнинг тадбиркорлик фаолияти ҳам сезиларли даражада юксалганидан дарак беради. Аммо солиқ ва божхона тўлови бўйича ангилликлар бўлмас экан, бу бизнес эгаларининг оёғига тушов бўлиб тураверади.

Шуни ҳисобга олиб, 2016 йил 26 октябрда Президентимизнинг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Унинг 3- ва 4-бандларига асосан, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари киритилган инвестициялар ҳажми қараб 3 йилдан 10 йилгача ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан озод этилган.

Солиқ кодексининг 473-моддасига асосан, эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларига киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, мол-мулк солиғидан, ер солиғидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган муддатга солиқдан озод қилиш тарзида имтиёзлар берилади.

ЭИЗ таркибидagi корхоналар 2020 йил 1 январдан бошлаб, белгиланган муддатга қадар мол-мулк, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича берилган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, утган йиллар мобайнида ЭИЗнинг нафақат инфратузилмалари яхшиланди, инвестициялар жалб этилди, солиқ ва имтиёзлар берилди, балки ривожланишни тартибга солишчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича ҳам ишлар олиб борилди. Натижада ЭИЗларни яратиш, уларнинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш ва туғатиш, чегараларини ўзгартириш тартиби белгиланди. Шунингдек, уларни бошқариш тизими, ўз ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаш тамойиллари, ЭИЗ иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби қайта кўриб чиқилди. Бу каби тадбирлар иқтисодиётимизнинг йирик бўгинлари бўлмиш ЭИЗ фаолиятининг гуллаб-яшнаши ҳамда маҳаллий аҳолининг турмуш-тарзи ошишига хизмат қилади.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

Бундан тўрт йил олдин бўш ва ташландиқ бўлиб ётган ҳудудда ташкил этилган "Ургут" эркин иқтисодий зонасида ҳозирги кунда қиймати 402 миллион долларликдан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Умумий қиймати 313 миллион долларга



тенг бўлган 55 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш бошланган, уларда 4 минг 328 киши меҳнат қилмоқда. Ушбу корхоналар томонидан газ плиталари, енгил sanoat ва чарм-пойабзал товарлари, гиламлар, гигиена воситалари, электр техникаси буюмлари каби 220 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. 2020 йилда жами 1,2 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, унинг 30 миллион долларга тенг қисми экспорт қилинган.

Ҳақиқатан, эркин иқтисодий зоналар қанчалик кўп ва самарали ташкил этилса, мамлакатта инвестиция оқими ҳам шунчалик ортади. Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти ривожланиб, ташқи савдо, экспорт-импорт операциялари янада кенгайди.

Бугунги кунда республикамызда 21 та эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) мавжуд бўлиб, улардан 19 таси sanoat, 1 таси қишлоқ хўжалиғи ва 1 таси туризм соҳасига ихтисослашган. 2008 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида қиймати 2,4 миллиард долларга тенг бўлган 448 та лойиҳа амалга оширилди. Унинг 764,6 миллион долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади.

Эркин иқтисодий зона деганда юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар) хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятнинг тури билан шуғулланишига шароит яратилдиган ҳудуд тушунилади. Хўш, мамлакат иқтисодиётининг йирик бўғини бўлган ЭИЗ ҳақиқатан ҳам шундай масканга айлана олдимми?

Гарчи Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонуни 1996 йилда қабул қилинган бўлса-да, ЭИЗларнинг аксарияти кейинги 5 йил мобайнида ташкил этилганини қайд этиш зарур.

Бутун дунё учун синови ва таҳликали утган 2020 йилда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ЭИЗларда умумий қиймати 487,4 миллион долларга тенг бўлган 128 та лойиҳа амалга оширилди. Шундан 162,1 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келади. Лойиҳалар замонавий иссиқхоналар қуриш (204,7 миллион долларлик 62 та лойиҳа), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (140 миллион долларлик 18 та лойиҳа), фармацевтика sanoati (56,3 миллион долларлик 6 та лойиҳа), кимё ва нефть-кимё sanoati (50,6 миллион долларлик 13 та лойиҳа), тўқимачилик sanoati (20,1 миллион долларлик 8 та лойиҳа), озиқ-овқат sanoati (15,9 миллион долларлик 10 та лойиҳа), чарм-пойабзал sanoati (14,9 миллион долларлик 5 та лойиҳа), электротехника sanoati (13,7 миллион долларлик 3 та лойиҳа), машинасозлик (6 миллион долларлик 2 та лойиҳа), мебель ва қоғоз ишлаб чиқариш (1,1 миллион долларлик 1 та лойиҳа) каби соҳаларни қамраб олди.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ЭНГ СИФАТЛИСИ ҚАЙСИ ҲУДУДА?



Юртимизда қурилиш соҳаси жадал ривожланыпти. Демак, бинолар қад кўтаришида ишлатиладиган материалларга ҳам талаб ортмоқда. Узи ишлаб чиқарган қурилиш материаллари билан нафақат ички бозорни таъминлаётган, балки экспортда ҳам табиий салоҳиятдан максимал даражада фойдаланаётган мисол қилиб келтириш мумкин.

Мазкур иқтисодий зона ҳудудида ПВХ профиллари ва поливинилхлорид маҳсулотлари, полиэтилен қувурлар, сунъий тош, ёғоч қириндили плиталар (ДСП), турли қувурларни улаш мосламалари ишлаб чиқарувчи йигирмага яқин тармоқ корхонаси ташкил этилган.

2021–2022 йилларда 5 триллион сўмдан зиёд 78 та ихтисослашган лойиҳани амалга ошириш ва 2 669 та иш ўрнини яратиш режалаштирилган.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official




yuz.uz_news

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ИМКОН ҲАМ, ЭЪТИБОР ҲАМ БОР, ФАҚАТ ҲАРАКАТ ЗАРУР

Ўрмон хўжаликларидида ёшлар ва аёллар бандлиги таъминланмоқда



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва яшаш тарзини яхшилаш, иқтисодий ресурсларни кенгайтиришда ўрмон хўжалиги ҳам ўзига хос ўрин тутди. Айни пайтда мамлакатимизда бундай хўжаликлар ҳудуди 12 миллион гектарни ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 августдаги “Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини

оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб ўрмон фонди-

нинг ўрмон билан қопланмаган ерларини ижарага бериш тизими ишга тушди. 2020 йил 6 октябрдаги “Ўзбекистон

Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор билан эса ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бу фаолият билан шуғулланувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020-2022 йилларда ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачиларга фаолият йўналишига қараб 1 йилдан 10 йилгача бўлган муддатда ижара тўловининг “ноль” ставкасини қўллаш тизими йўлга қўйилди.

Бундай имконият ва имтиёзлар ўрмон хўжаликларининг фаолиятини янада такомиллаштириш билан бирга, мазкур тармоқда хусусий секторнинг ўрнини кенгайтириш, шу фаолият билан машғул юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Сурхондарё вилоятидаги ана шундай хўжаликларнинг мавжуд ер майдони 366 минг гектардан ортиқ.

Ўтган йили вилоятда 17 минг 663 гектар ер майдони 538 та жисмоний ва юридик шахсга инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини яратиш шарти билан узоқ муддатга ижарага берилди. Жорий йилда бу борадаги режа 2 минг 600 гектар бўлса, айни пайтгача 79 гектар ер майдони хусусий секторга ижара учун тақсимланди.

Айни вақтда қўл ўсимликлар, бошқа турдаги дарахт ва бутазорлардан маданий ўрмонзорлар, икки минг гектар майдонда эса ёнғоқзор, pistaзор ва бодомзорлар ташкил этилмоқда. Ўрмон фонди ерларини ижарага бериш, иссиқхоналар қуриш орқали

Ўтган йили вилоятда 17 минг 663 гектар ер майдони 538 та жисмоний ва юридик шахсга инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини яратиш шарти билан узоқ муддатга ижарага берилди. Жорий йилда бу борадаги режа 2 минг 600 гектар бўлса, айни пайтгача 79 гектар ер майдони хусусий секторга ижара учун тақсимланди.

ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш орқали маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашга эришилмоқда.

Ўрмон хўжалиги ҳақида сўз борганда, кўпчилик мевали ва манзарали дарахт кўчатларини етиштириш, парвариш, муайян табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш йўналишидаги тармоқни тушунади. Лекин бу ерда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш имконияти мавжуд.

Мисол учун, Қизирик туманидаги Яккатерак ўрмон бўлимига тегишли ўрмон билан қопланмаган ер майдонида ишсиз ёшларнинг даромад манбаини шакллантириш кўзда тутилган. Айни кунда манзилли режа асосида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилганларнинг ҳар бири учун ух сотих ер майдонига иссиқхона қуриб берилмоқда.

Хусусан, жорий йил якунига қадар вилоятда ўрмон билан қопланмаган жами 22 гектар ерда иссиқхона қуриш ва 440 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

— Кўп йиллардан бери павловния кўчатини етиштиришни орзу қилиб юрардим, — дейди қизириклик Азиза Мухторова. — Ҳозир менга ўрмон хўжалигидан 3 сотих ер майдони ажратиб берилди, ишни бошлаб юбордик. Натижада оила аъзоларим ҳам ишли бўлди. Эндликда нафақат оиламга, балки халқимизга ҳам фойдам тегаётганидан хурсандман.

Бугунги кунда вилоятда қарийб 149 минг гектар ер ўрмон билан қопланган бўлса, шунинг бир қисми ҳайдалади-ган, яна бир қисми боғ, узум ва тутзорлардир. Биргина Узун давлат ўрмон хўжалигида ўтган йилда 110 гектар ерда янги ўрмонзорлар барпо этилди. Айни пайтда бу ерда қрим қарагайи, каштан, павловния, оққайин сингари камёб дарахт кўчатлари парвариш қилинган.

— Йигирма турдан зиёд манзарали, 15 турдан ошiq мевали дарахт кўчатлари ва гул экяпмиз, — дейди хўжалик бош ўрмончиси Бозор Назаров. — Ўрмоннинг баъзи ботқоқлик ҳудудлари бўш ётади. Ана шу ерларга экиш учун ботқоқ сарви дарахти кўчатлари ҳам етиштирилмоқда.

Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси тизимидаги ўрмон хўжаликларидида турли доривор ўсимликлар ҳам экилган. Сурхондарёда бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ўтган йили 329 тонна доривор ўсимлик хомашеси тайёрланди.

— Биз бу ерда экилган бир донна заъфарон ўсимлиги пиёзчасини қовлаб кўрганмизда, икки йил давомида 50 дан ортиқ пиёзча ҳосил қилганини кўрдик, — дейди Боботов давлат ўрмон хўжалиги директори Ориф Жабборов. — Келажакда биз бу ўсимликнинг ҳам гулидан, ҳам пиёзидан даромад кўра-ми. Айни пайтда тажриба сифатида лаванда, готти каби ўсимликнинг эки-ляпти. Биз уларни хомашё эмас, тайёр маҳсулот сифатида харидорларга етказиб беришни мақсад қилганмиз.

Вилоятда бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ўрмонларнинг биологик ҳилма-ҳиллигини сақлашга, маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш орқали уларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

БУГУННИНГ ГАПИ

ҲАР БИР ҚАРИЧ ЕРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Орифжон Жўраев,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз шу йилнинг 8 апрель куни ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида унумдорлиги паст бўлган ва фойдаланилмаётган қишлоқ хўжалиги майдонлари ҳақида ҳам гапирган эди. Жумладан, автомобиль йўллари ва дала ўртасидаги ерлардан фойдаланиш борасида Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида олиб борилган ишларни ижобий баҳолаганди.

Айни кунларда Тўрақўрғон туманида 87 та фермер хўжалиги томонидан 4880 гектар майдонда бошқоқ дон экинлари парвариш қилинмоқда, 4269 гектар майдоннинг 90 фоиздан кўпроғига чигит экиб бўлинди. Шу билан бирга, 1670 гектар чигит экилган майдонга соя ҳам экиляпти. 521 гектар боғ ва ток қатор ораларига экспортбоп ҳамда озу-



қабоб сабзавот, полиз, картошка, саримсоқ-пиёз қадалмоқда.

Туман ҳокимининг қарори билан 2032 гектар яйлов ва фойдаланувдан чиққан майдонлар қайта оборотга киритилиши учун 10 та ташаббускорга ажратиб берилди. Бугунги кунда 400 гектардан ортиқ майдон текисланиб, 150 гектарига экспортбоп мевали кўчатлар ўтказилди.

— Машиналар қатнайдиган йўللар ва дала ўртасидаги ерлардан унумли фойдаланиш доимий эътиборимизда, — дейди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Тўлқинжон Ботиров. — Мисол учун, тумандаги Наманган илмий тажриба станцияси экин ерларининг йўл бўйларидида чигит экилган майдонларидида соя, қарам, саримсоқпиёз уруғлари униб чиқди. Ҳудуддаги “Зумрад ибрат” фермер хўжалиги аъзолари йўл бўйида дала шийпони ҳамда енгил типдаги иссиқхона қуриб, лимон кўчатлари ҳамда қўкатлар эқди. “Шарқ замин ёғдуси” фермер хўжалиги йўл ёқасидаги майдонларида бугун кўчат қаламчалари кўкариб турибди. Бу, албатта, қутилганидан кўпроқ ҳосил олиш имконини беради.

Тумандаги “Шаҳанд Аъзамий”, “Бурамаутул гушани” фермер хўжаликларининг ғўза ва соя уруғлари қўшқатор қилиб экилган дала майдонларида ўсимликлар бир текис униб чиқа бошлади. Мутахассисларнинг фикрича, бир гектар майдондан 15 центнердан соя ҳосили олинса, 7,5 миллион сўм қўшимча даромад топиш мумкин.

— Худудимизнинг “Қоровултепа” даҳасидаги янги ерларда “Наманган тўқимачи агро кластер” фермер хўжалиги томонидан 500 гектар майдон ўзлаштирилиши режалаштирилган, — дейди туман ҳокими Зулайхо Маҳамова. — Ҳозиргача 135 гектар ерга ишлов берилиб, 10 гектарга бодом, 6 гектарга ўрик экилди. Яна 100 гектар ер экишга ҳозирланган. Энг муҳими, йиллаб муаммо бўлган суғориш орқали сувнинг тежамкорлиги таъминланади. Ерларга эса ёнғоқ, ўрик, бодом, хандон-писта кўчатлари жойлаштирилиб, улар ҳосил бергунга қадар қатор ораларига пахта ва соя экилади.

Хулоса қилиб айтганда, ерни эъзозлаш, ҳар қаричдан унумли фойдаланиш орқалигина манфаатдорликка эришиш мумкинлигини бугун тумандаги барча фермер ҳамда деҳқонлар тушуниб етган ва шу йўлда астойдил меҳнат қилмоқда.

ШАРҲ

КАПИТАЛ БОЗОРИ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ РАҚБАТЛАНТИРАДИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРАДИ

Рауф НУРУЛЛАЕВ

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши иқтисодий ресурсларга эҳтиёжини, юқори ва барқарор ўсишини таъминлайди.

Мазкур ресурслар мамлакат тараққиётида катта салоҳиятга эга бўлган соҳа, тармоқлар ўртасида оқилон ва самарали тақсимланиб, фойдаланилмаётган жамғармалар фойдали инвестицияларга айланиши ҳамда иқтисодиётда капитал шаклланади. Бу, ўз навбатида, юқори иқтисодий ўсишни рақбатлантиради ва рақобатбардошликни оширади.

Капитал бозори ривожланиши учун барқарор макроиқтисодий муҳит, изчил тараққий этаётган молиявий тизим ва мустақкам ҳуқуқий асос зарур. Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ана шу жиҳатлар асосида соҳанинг яқин келажакдаги асосий йўналишлари белгилаб берилган. Хўжатга кўра, рақобатбардошликни ошириш асосида унинг капиталлашуви 2023 йил якунига қадар 45 триллион сўмга етказилади, банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизми яратилади.

Ана шу вақт мобайнида республика ва худудий инвестиция дастурлари доирасида лойиҳаларнинг қимматли қоғозлар чиқариш орқали молиялаштирилган қисми 5 фоизга етказилади. Бу жараёнда халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда муваффақиятли синондан ўтган илгор ёндашувларни қўллаш асосида барча тоифадаги инвесторлар учун қўлай муҳитни вужудга келтиришга алоҳида аҳамият қаратилади, қонунчилик базаси такомиллаштирилади. Замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар билан таъминлаш, истиқболли ёшларни, жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун жозибадор шарт-шароитлар яратилади.

— Фармон билан 2021-2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш дастури тасдиқланди, — дейди Молия вазирлиги департаменти директори Сарвар Аҳмедов. — Ўзгаришчи маҳсулотда эркин муомаладаги қимматли қоғозлар умумий ҳажмининг қисми 5 фоизга етказиш унинг асосий мақсади ҳисобланади. 2023 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий эмитентлар ўз акцияларини дастлаб Республика фонд биржасида жойлаштиришдан сўнг андеррайтер тавсиясига кўра, хорижий фонд бозорларига ҳам қўйишлари мумкин. Эндиликда корхоналардаги давлат улуши



акцияларини бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) усулда сотиш қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, андеррайтер томонидан аниқланган аҳолига нарх асосида амалга оширилади.

Шу кунда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, бу борада ҳозирга қадар фаолият юритиб келаятган агентлик туғати-либ, унинг барча вазифа ва вазокатлари Молия вазирлигига ўтказилди. Бундан кўзланган асосий мақсад соҳани ривожлантиришга янги раҳ бериш, мавжуд институционал салоҳиятдан фойдаланган ҳолда ишловларни жадаллаштириш ҳамда уларнинг молия соҳасидаги ўзгаришлар билан уйғунлигини таъминлашдан иборат.

Халқаро тажрибага кўра, мамлакатдаги молия бозорларининг ривожланиши мавжуд институционал салоҳиятга қараб ҳукумат ёки мустақил идоралар томонидан тартибга солинади. Ривожланаётган давлатлар орасида Малайзия, Вьетнам ва Колумбияда Молия вазирлиги ёки унинг таркибидида бўлган давлат идораси, Россия, Грузия ва Венгрияда Марказий банк капитал бозори регулятори бўлса, нисбатан ривожланган Сингапур, Аргентина ва Бразилияда бу вазифани ҳукуматдан мустақил бўлган муассаса бажаради.

— Дастлабки босқичларда давлат қимматли қоғозлари (ДҚҚ) чиқарилиши капитал бозорини ривожлантириш учун асосий драйвер бўлади, — дейди Сарвар Аҳмедов. — Хусусан, ДҚҚ макроиқтисодий ва фискал ризиқни бошқариш учун восита бўлиб хизмат қилиши баробарида ташкилот ва корхоналарнинг маҳаллий капитал бозоридида қарзли қимматли қоғозлари учун бенчмарк даромадлилик чизигини яратади. Инглизча “бенчмарк” сўзи аталган, йўналиш марраси, деган маъноларни айлатади.

ДҚҚ капитал бозори қатнашчилари учун кредит хатари мавжуд бўлмаган қарз инструментининг турли муддатлардаги нархини аниқлайди ва ҳақиқий маънода капитал бозори учун бенчмарк вазифасини ўтайди.

Молия вазирлиги томонидан ДҚҚ бозорини ривожлантириш бўйича Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда АҚШ Ғазначилиги билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2018 йил декабр ойидан бошлаб миллий валютада давлат қимматли қоғозларини чиқариш амалиёти қайтадан тикланди. Натижада 2019 йилда чиқарилган ДҚҚ ҳажми 1,5 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда мазкур кўрсаткич 3 баробардан зиёдга ортиб, 5 триллион сўмга етди.

Эркин бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодий либераллаштириш шароитида ички молиявий ресурсларнинг чекланганлиги “инвестицион чанқоқлик”ни ташки манбалар ҳисобидан молиялаштиришни тақозо этмоқда. Бу эҳтиёж инобатга олинган ҳолда Молия вазирлиги томонидан 2019 йилда 1 миллиард ва 2020 йилда 750 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги хорижий ҳамда миллий валютадаги илк суверен халқаро облигациялар, шу билан бирга, вазирликнинг бевосита қўмағида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Ўзмилибанк” АЖ ва “Ипотекабанк” АТБнинг илк корпоратив халқаро облигациялари халқаро молия бозорларида муваффақиятли жойлаштирилди.

Мазкур тажрибалар зарур инфратузилма шакллантирилган тақдирда хорижий инвесторларни маҳаллий капитал бозорига жалб қилишга замин яратади. Давлат улуши мавжуд корхоналарнинг акцияларини бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий тақлиф усуллари ёрдамида сотиш орқали уларни хусусийлаштириш режалаштирилган бўлиб, ишлаб чиқилган дастурнинг муваффақияти маҳаллий капитал бозорининг ривожланиши билан узвий боғлиқдир.

Молия вазирлиги капитал бозори инфратузилмасини тараққий эттириш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни кенроқ жалб қилиш бўйича олиб борилган ишларни халқаро молия ташкилотлари, чет эллик инвесторлар, брокерлар, экспортлар ва бошқа мутасаддилар билан фаол ҳамкорликда йўлга қўйишга ҳам масъул ҳисобланади.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ



МЎЛ ДАРОМАД ОЛИШ
ИСТАГИДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР

миришкор деҳқонлардан дала сирларини ўрганмоқда

Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз раислигида 13 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшлар бандлигини таъминлашдаги муҳим йўналишлардан бири қишлоқ ҳўжалиги экани алоҳида таъкидланди. Бугунгача республика бўйича 21 та туманда 2 мингдан 4,5 минг нафаргача ёшга деҳқончилик учун ер ажратилгани, уларга фермер ва кластерлар амалий ёрдам кўрсатиши муҳимлиги айтилди.

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида бугунги кунда 2 минг 490 нафарга яқин йигит-қизга 1 минг 245 гектар ер ажратиб берилган. Асосан “Темир дастар”, “Аёллар дастари” ва “Ёшлар дастари”да рўйхатда турган ушбу ёшлар эндиликда ўзларига берилган майдонларда деҳқончилик қилиб, даромад олиш, оила бюджетини тўлдириш имкониятига эга бўляпти. Улар доимий иш билан таъминланиб, тажрибали деҳқон-фермерлардан дала ишлари сирларини ўрганади, шу билан бирга, эл-юрт дастурхонининг янада тўкин бўлишига ўз ҳиссаларини қўшади.

— Оилаимизнинг бирон аъзоси доимий даромадга эга эмас эди, — дейди “Наврўз” маҳалласида яшовчи Фотима Уммотова. — Шунинг учун синглим Зуҳра иккимизга 1 гектар ер ажратилгани бизни ниҳоятда хурсанд қилди. Кунни кеча бу ерга мош экдик. Бунда бизга туман ҳўқимчилиги, фермерлар катта ёрдам берди. Уруғлик, техника билан таъминлашди. Мутахассислар мош қисқа муддат ичида — уч ойда пишиб етилди”, дейди. Агар шундай бўлса, июль ойида ҳўқимчи йиғиштириб олиб, бу ерга иккинчи экин — кунгабоқар экишни режалаштириб турибмиз.

Ёшларга ер бериш ташаббусини туман фермерлари, улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган “Санзор текстиль” агрокластери вакиллари ҳам яқдиллик билан қўллаб-қувватлади.

— Ҳўжалигимизнинг 5 гектар ерини кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзандига бўлиб бердим, — дейди “Улмас Зебунисо” фермер ҳўжалиги раҳбари, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳибаси Омонгул Ҳайитова.

ва. — Серҳўқим, сув йўлига яқин ушбу майдонга кунни кеча дуққакли экин уруғи ташланди. Далани тайёрлаш, экин экиш ишларини ҳам ўз зиммамга олдим. Ерли бўлган ёшларнинг кўзларида акс этган қувонччи кўриб, ўзимиз ҳам тўқилганимиз кетди. Шубҳасиз, ишга чанқоқ қийинчиликлардан чўчимайдиган бу ёшлар доимо эътиборимизда бўлади.

Юртимизда “Обод қишлоқ” давлат дастурининг қалдирғоч манзили сифатида тарихига кирган “Манас” маҳалласи ёшларга иккиламчи шартнома асосида ер майдонлари ажратиш борасида ҳам бошқаларга намуна бўляпти. Маҳалланинг 453 нафар йигит-қизига ушбу ҳудудга ёндош “Манас” ва “Жиззах остонаси” фермер ҳўжалиқлари ҳудудий уюмларидан ер берилди.

— 265,5 гектар ер ҳазилакам эмас, — дейди маҳалла раиси Абдуқалил Кенжаев. — Бу ерлардан ўртача 900 тоннага яқин пахта, 1,5 минг тонна атрофида галла олиш мумкин эди. Аммо биз учун биринчи галда ёшларимиз тақдири, уларнинг ўз ҳаётидан, бугунги кундан мамнун ҳолда яшашлари муҳим. Шунинг учун ҳам фермерларимиз ҳеч иккиланмасдан йигит-қизларга кўмак беряпти. Уларни ер, техника, ўғит ва сув билан таъминламоқда.

Ёшларга ер бериш борасида туманнинг 2-секторига қайд қилинаётган кўрсаткичлар диққатга сазовор. Туман прокурори етакчилигидаги ушбу сектор таркибига “Қаҳрамон”, “Чинобод” ва “Олтин водий” маҳаллалари кирди. Ана шу ҳудудларнинг 960 нафар ёшга 480 гектар ер бўлиб берилди.

— Секторимиз ҳудудида ёшларга ер ажратиш ишларини пухта ва аниқ режа асоси-

да ташкил қилиш чоралари кўрилмоқда, — дейди туман прокурори Акбар Сақиев. — Ер эгасига айланган биронта йигит-қиз, бирон сотих ер эътибордан четда қолмайди. Агар соҳа мутахассислари ва тажрибали соҳибдорлар тавсиясига биноан, ёшларга ажратилган майдонлардан нуумли фойдаланиш мақсадида уларга камидан икки марта ҳўқим олинishi мумкин бўлган экинларни экиш тавсия қилинапти. Бу борада ҳам ички, ҳам ташқи бозорда рақобатбардош бўлган мош, ловия, қизил ловия, соя, ер ёнқоқ каби экинларга кўпроқ эътибор қаратишмоқда.

Тумандаги давлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш идоралари, катта-кичик жамоалар етакчилари ҳам ушбу муҳим ва долзарб, шу билан бирга, совобли ва хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган.

— Ёшларга ажратилган ерлардан нуумли фойдаланиш, юзага келиши мумкин бўлган барча масалаларнинг ўз вақтида ижобий ечим топилшини назорат қилишни 20 нафар маҳаллий депутатимиз ўз зиммасига олди, — дейди Дўстлик тумани ҳўқими, халқ депутатлари туман кенгаши раиси Шавкат Дарвишев. — Улар ҳўзир тўлиқ далаларга отланган.

— Воҳамизда етиштириладиган қовун-тарвузнинг донги етти иқлимга таралган, — дейди “Қаҳрамон” маҳалласида яшовчи Малика Бургутова. — Айнан шунинг учун узимга ажратилган 50 сотих ерга қовуннинг обинновот навини экишга аҳд қилдим. Насиб этса, мўл ҳўқим олиб, уни биз каби меҳр-муруватга муҳтож ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган Президентимиз ва халқимизга тортиқ қиламан.

Дўстлик азаддан ағар соҳада пешқадам туманлардан саналади. Жиззах вилоятида етиштирилаётган асосий экинлар — пахта ва галланнинг 25 фоизи айнан шу ҳудуд ҳиссасига тўғри келади. Бу эса туманда ўз ишининг устаси бўлган деҳқонлар кўплигини тасдиқлайди.

Энг муҳими, ана шу миришкор дала заҳматқашлари эндиликда ерли бўлган ёшларни ўз ёнларига олишга, уларга йўл-йўриқ кўрсатишга, қўлларидан келаётган ҳамма ёрдамни беришга тайёрлиги кишини мамнун этади.

ИННОВАЦИЯ

Наввий вилоятида 10 974 гектар майдонда томчилатиб сўғориш технологияси жорий этилади

Зулфия БОБОЕВА,
“Ўзагроинспекция” Наввий вилоят бошқармаси жамоатчилиги билан алоқалар ва ҳўқимчи ахборот бўйича бош инспектори



Сув — тириклик манбаи. Шу боис, ундан оқилона фойдаланиш ниҳоятда зарур. Президентимиз томонидан 2020 йил 11 декабрда қабул қилинган “Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан таъкидланганидек, тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги ҳамда обихўаёт ресурсларига эҳтиж ўсиб бораётгани қишлоқ ҳўжалигида ундан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишни талаб этмоқда.

Кармана туманининг “Жалойир” ҳудудида жойлашган “Шоҳижаҳон келажаги Кармана” фермер ҳўжалигининг ер майдони 100 гектар бўлиб, 44 гектари пахта экишга мўлжалланган. Фермер Шўҳрат Тошев 44 гектар пахта майдонига томчилатиб сўғориш ускуналарини ўрнатиш учун ҳаракатни бошлади. Бунинг учун ўз маблағидан 300 миллион сўм, кредит асосида 870 миллион сўм сарфлади. Шартномага кўра, сифатли полиэтилен қувурлар келтирилиб, 44 гектар майдонда тўлиқ ўрнатилди.

— Пахтани сўғоришда қўллаб қийинчиликларга дуч келар экдик, — дейди Шўҳрат Тошев. — Сув тежовчи технологияларни ўрнатиш орақли сув исроф бўлмаслиги, ҳар бир қаторга сувнинг тўлиқ етиб бориши, шу билан бирга, ишчи кучини камайтиргани бизга жуда маъқул бўлди. Чигитни қўшқатор усулида экишмиз. Бу қувур ётирилган майдонга қўлтирилган ишлари учун техникаларни чигит экилганидан гўза этилганига қадар агротехник тадбирларни бемалол бажариш учун ҳам имконият яратди. Ҳўқимдорлик 50-60 центнерга етади, деган ниятдамиз. Келгуси йилда сув тежовчи технологияларни жорий этишни янада кенгайтирмоқчимиз. Олинган кредитни субсидия маблағлари ҳисобидан тўлашни мўлжаллаб турибмиз. Бу биз, фермерларни қўллаб-қувватлашни кўзда тутигани билан эътиборга лойиқ.

Дарҳақиқат, сув тежовчи ускуналарини харид қилиш учун фермер ва тадбиркорларга яратилган бундай имтиёз алоҳида аҳамиятга эга.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги “Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича ҳаражатарининг бир қисmini қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган низома асосан, томчилатиб

сўғориш тизимлари жорий этилган майдонларга субсидиялар ажратиш белгиланган, — дейди “Ўзагроинспекция” вилоят бошқармаси бош инспектори Меҳридин Воҳидов. — Унга кўра, пахта ва узум плантацияларига — 8 миллион сўмдан 11 миллион сўмгача, мевали экинларга — 6 миллион, озуқабоп, мойли, дуққакли экинлар ва доривор усимликларга — 2,5 миллион, сабзавот экинлари ва картошкага — 1,5 миллион, полиз экинларига — 1,3 миллион сўм миқдоридан субсидиялар ажратиш кўзда тутилган.


Жорий қилинган технологиялардан сўғориш мавсумида фойдаланмаслик ҳўқимлари аниқланса, ажратилган субсидия давлат бюджетига қайтарилиши белгиланган. Хусусан, биринчи йилдан фойдаланилма — субсидиянинг 100 фоизи, иккинчи йилдан — 80 фоизи, учинчи йилдан — 60, тўртинчи йилдан — 40, бешинчи йилдан — 20 фоизи давлат бюджетига қайтарилади.

Қизилтепа туманида “Шаҳзода келажаги”, “Сафарота”, “Мустафобобо 2021”, “Дурбек 2002” ва бошқа фермер ҳўжалиқлари томонидан пахта майдонларида сув тежовчи ускуналарни ўрнатиш учун ҳўзувлар қазилиб, зарур ускуна ва бутловчи буюмлар — ер ости қувурлари, лента, филтър, насосларни пудратчи ташкилотлар билан тузилган шартнома асосида олиб келиб, ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

Ҳўза майдонларини томчилатиб сўғориш тизимини жорий этиш натижасида ушбу майдонларда сувни икки баробар тежай билан бирга, ҳар гектардан 40-45 центнергача, ўртача ҳўқимдорликдан 1,5-1,7 марта юқори кўрсаткичга эришиши мумкин.

Инспекциянинг туман бўлимлари томонидан сув тежай ускуналарини жорий этиш ишларини ўз вақтида бажариш бўйича фермерлар ўртасида тарбият ва назорат тадбирлари олиб бориляпти.

ТАРАҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



ЭНДИ БУ ТАРМОҚ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ БЕРАДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Президентимиз жорий йил 29 март куни кимё саноати тармоғида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти чоғида: “Кимё саноатида жуда катта маблағ бердик. Энергия самарадорлиги жиҳатидан технологиялар янгиланди. Энди бу тармоқ қўшилган қиймат берадиган вақт келди. Жуда катта имкониятлар бор. Агар ҳар бир йўналиш бўйича миқдорини, сифатини, нархини жой-жойига қўйсақ, экспорт 5-6 баробар ошади”, деб таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, кейинги пайтда тармоққа давлат қаролати остида халқроқ молиявий институтларнинг катта миқдордаги қўмағи жалб этилди, инновацион ва энергия самарадор технологиялар жорий қилинди. Эндиликда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар эса қўшилган қийматни янада жадалдор қўзага чиқариши зарур.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ОМИЛЛАРИ

Бу дунёда ҳамма нарса бир-бири билан узвий боғлиқ. Айниқса, иқтисодиётда. Айтайлик, бирор йирки корхонанинг тўлақонли фаолият қўрқатиши учун унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ўзаро мувофиқлашган, хошмешдан то маҳсулотни чўқур ишлашгача бўлган жараёнлар уйғунлиги таъминланган бўлиши керак.

Айни шу жиҳатлар илмий тилда қиймат занжирини яратиб омиллари сифатида талқин этилади. Мазкур гўя отаси, бу иборани илмий муомалага 1985 йилда олиб кирган АҚШлик олим М.Портер унинг мавжудлигини компаниянинг маҳсулотни яратиш, бозорга олиб чиқиш, сотиш, истеъмолчига етказиб бериш ва унга хизмат кўрсатиши билан боғлиқ бўлган ички фаолият турлари ва уларнинг йиғиндиси сифатида тавсифлайди.

Демак, нисбатан янги ҳисобланган гўянинг бугунги иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва самараси ҳам юқорида саналган жиҳатларга боғлиқ бўлади. Экспертлар фикрича, кейинги йилларда иқтисодиётимизни либераллаштириш эъзаига тадбиркорлик ва инвестиция фаолиги кескин ошди. Бунинг натижасида иқтисодиётнинг энергетика маҳсулотлари (нефть, газ, электр энергияси) ва транспорт хизматларига бўлган талаби ҳам ортиб борапти. Шу тўғрисида мазкур соҳаларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва янги қувватларни ишга туширишга оид бир қанча лойиҳалар халқроқ молиявий ташкилотлар қўмағида амалга оширилмоқда.

Молия вазирлиги маълумотларига кўра, ушбу мақсадларга деярли 8 миллиард АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан маблағ ёки ташқи қарзнинг 38 фоизи йўналтирилган. “Ўқимёсаноат” АЖ ана шу қарзнинг анчагина қисmini ўзлаштирган соҳалардан биридир. Кейинги йилларда тармоқ корхоналарида умумий қиймати 2,4 миллиард долларга тенг бўлган 7 та инвестициявий лойиҳа бажарилди.

Жалб қилинган маблағларнинг 69 фоизи “Навоийазот” АЖда аммиак ва карбамид, азот кислотаси ҳамда поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаларини ишга тушириш учун сарфланган. Маблағларнинг 10 фоизи “Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи” АЖ, 15 фоизи “Биринчи резинатехника заводи” МЧЖ қурилишига, 6 фоизи “Кўнғирот сода заводи” МЧЖ ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш лойиҳаларига йўналтирилган.

МОЛИЯВИЙ КЎМАК ҚАНДАЙ САМАРА БЕРЯПТИ?

Давлат қаролати остида хориддан олинган қўмак тармоқдаги лойиҳалар молиявий манбаларининг 61 фоизини, маҳаллий тижорат банклари ҳамда Ўзбекистон тикланиш ва тарақиёт жамғармаси кредитлари 29 фоизини, “Ўқимёсаноат” жамғармаси ва акциядорлик жамиятларининг ўз маблағлари 10 фоизини ташкил этади.

Табиий савол туғилади. Ана шундай катта миқдордаги ҳаражатлар қандай самара берди?

— Энг аввало, лойиҳалар ҳисобига 5 743 та янги иш ўрни яратилди, — дейди “Ўқимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси Жўрабек Мирзамаҳмудов. — 636 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 384,5 миллион долларлик товарлар экспортга йўналтирилди ҳамда 104 миллион доллар солиқ тўланди.

Яна бир жиҳати, ишга туширилган қувватларда маҳсулот таннархининг кескин пасайиши ва энергия тежамкорлиги яққол кўзга ташланади. Хусусан, “Навоийазот” АЖда маҳсулот ишлаб чиқаришда энергия ресурслари сарфи 65-70 фоиздан 25-30 фоизгача пасайтирилди. Электр энергияси истеъмоли 25 фоиз қисқартирилиб, кунлик маҳсулот тайёрлаш ҳажми икки баравар ошди.

Поливинилхлорид (ПВХ) ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши натижасида 55 минг тонна маҳсулот тайёрланиши импортнинг 50 миллион долларга камайишга олиб келди. 2021 йилда 90 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, чет элдан маҳсулот харид қилиш 70 миллион долларга қисқариши кутилмоқда. ПВХ хошмешсини қайта ишлаш эъзаига 200-210 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Аммиак, карбамид ва азот кислотаси ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилиши ҳисобига қиймати 25 миллион долларга тенг бўлган 70 минг тонна карбамид ва 60 минг тонна қўшимча аммиакли селитра тайёрланди. Ҳар кун 4 минг тонна азотли ўғит ишлаб чиқарилимоқда. 2021 йилда қиймати 80 миллион долларлик 180 минг тонна карбамид, 200 минг тонна аммиакли селитра истеъмолчиларга етказиб берилди.

ЯНГИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР

“Фаргоназот” акциядорлик жамияти ҳам маҳсулотлар ҳажмини ошириш, турларини кўпайтириш, экспорт



географиясини кенгайтиришга қаратилган қатор лойиҳалар устида иш олиб бориляпти. Мисол учун, корд ва техник матолар ҳамда полиэфир штапель толасини ишлаб чиқариш лойиҳаси тўғрисида тўқимачилик кластерлари зарур хошмеш билан таъминланади, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 350 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

— Бугунги кунда кимё саноатида умумий қиймати 4,1 миллиард доллардан ортиқ 39 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган, — дейди Жўрабек Мирзамаҳмудов. — Бунинг натижасида қарий 3,1 миллиард долларлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, тармоқ экспорт салоҳиятини 1,3 миллиард долларга ошириш ва 3 430 та янги иш ўрни яратиш имконияти пайдо бўлади.

Яқин истиқболда мазкур лойиҳалар 1,1 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлашга йўл очади. Агар шу миқдордаги газ хошмеш сифатида экспорт қилинса, 160 миллион доллар тушум бўлади. Режадаги лойиҳалар жорий этилгандан кейин табиий газни қайта

ишлаб, олинадиган янги маҳсулотлар қиймати 2 миллиард 100 миллион доллардан ошади. Яъни қўшилган қиймат 14 баробар кўпаяди.

2021 йилнинг ўзида “Ўқимёсаноат” АЖ умумий қиймати 58,6 миллион долларлик 8 та янги ишлаб чиқариш қувватини ишга туширади. Уларда янги турдаги 11 та кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш эъзаига йилга қўшимча 44,7 миллион долларлик маҳсулот тайёрланади, 30 миллион долларлик товарни экспортга йўналтириш имконияти яратилади ва 260 нафар ёш кадр иш билан таъминланади.

ЙИРИК ТЕХНОЛОГИК КЛАСТЕРЛАР


Кимёвий хошмеш ва ярим тайёр маҳсулотлар негизда талаб юқори бўлган товарлар ишлаб чиқариш қувватларини яратиш мақсадида “Навоийазот” ва “Фаргоназот” АЖларда ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 3 та ийрик технологик кластер тузиш режалаштирилган. Хусусан, “Навоийазот”да умумий қиймати 2 миллиард 600 миллион долларлик 16 та лойиҳа, “Фаргоназот”да жами 334 миллион долларлик 4 та лойиҳа, Қорақалпоғистонда салкам 687 миллион долларлик 3 та лойиҳа амалга оширилади.

Президентимизнинг 2021 йилнинг 13 февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислох қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан технологик кластерлар ташкил этишдан асосий мақсад маҳаллий хошмешдан ярим тайёр маҳсулотлар, шу жумладан, органик синтез ва нанотехнологиялар орқали ишлаб чиқаришнинг янги қувватларини негизда хошмешдан тайёр маҳсулотгача бўлган кўп погонали қўшилган қиймат занжирларини яратиш экани белгилаб берилган. Бунда қайта ишланмаган хошмеш (табиий газ, саноат тузлари, пахта целлюлозаси, сирка кислотаси ва бошқалар) ресурсларини мамлакат ҳудудида чўқур қайта ишлашни ташкил этиш асосида уларнинг хошмеш сифатида экспорт қилинишини босқичма-босқич қисқартиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ишлаб чиқариш ва илм-фан ўртасида интеграцияни кучайтириш мақсадида Тошкентнинг Улўғбек ша-

ҳарчасида илмий кимё кластерини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Унга кўра, 60 гектар майдонда маъмурий ва ўқув бинолари, лабораториялар, Ўзбекистон — Жанубий Корея илмий маркази, илмий ҳодимлар учун турар жойлар, ётоқхона, амфитеатр, боғ ва қўёш электр станцияси барпо этиш кўзда тутилган. Бу ерда 8 минг талаба таҳсил олиши мумкин бўлади. Мазкур илмий кластер Тошкент кимё технология илмий-тадиқот институти ҳамда Чирчиқ шаҳридаги ишлаб чиқариш лабораторияларини ўз ичига қамраб олади. Кластер гидрореллар, юқори сифатли полимерлар, синтетик каучук, юқори сифатли елим, ювчи воситалари, целлюлоза, крахмал ва бошқа материаллар технологияларини яратиш ва ўзлаштириш билан шўғулланади.

Тармоқ олдидан турган инновацион лойиҳалар юқи залворли. Уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминловчи омиллар — қиймат занжири, технологик кластерлардан тортиб, жалб этилаётган инвестицияларгача юртимиз кимё саноати ривожига кучли туртки беради.



ЎҚИЛГАН КИТОБ — КЎНГИЛГА ЙЎЛ

Биз Нукус шаҳрига кўнган чордаёқ мезонлар измида китобхонлик ҳафталиги доирасида ўтказилган маърифий тадбирда иштирок этиш учун "Истиқлол" дам олиш масканига, у ердаги пувиқор болалар кутубхонасига бордик.

тўлиб-тошиб гапирди, тўлиқиб-қалқиб шеър ўқиди, балқиб шеър ўқиди. — Бор гапни айтсам, йиғинларни унча яхши кўрмайман, — деди шоир. — Тўғриси, жуда кўп жойларда бироз ўтириб, чиқиб кетаман. Билмадим, Қорақалпоғистонда ундай бўлмапти. Ҳар бир даврада ўзгача яйраяман. Узимга сиймай кетяпман. Назаримда, ўз Бойсунимда юргандекман. Менинг кўнгирутлик аждодларимнинг бирортаси суз кутлуғ заминда яшагандек. Яна мени хайратга солгани бу ёшларнинг овозидаги, шеърларидаги оханг! Қайдан келяпти у? Бу қизларнинг қалбига қим солди бу шеър охангини?! Эшитиб, ҳузур қиялганман, барака топишим. Иқболини берсин!

БУНЁДҚОРЛИКЛАР АВЖИДА!

Дунёда дилларни дилларга ҳеч бир восита адабети сингари, санъат сингари вобаста этолмайди. Узоқ йиллар мобайнида Қорақалпоғистоннинг Ақчақўл

Бизга айтишлари-ча, йил якунига қадар яна 120 ўринли боғча ишга тушади. Дарвоқе, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси томонидан 160 ўринли янги сийҳатгоҳ қурилиши бу йил бошланади. Буларнинг барчаси чўл бағрида бўй чўзган Бўзатовнинг бугуни ва келажаги учун қилинаётган эзгу саъй-ҳаракатлар инъикоси, албатта.

ШАРОИТ БЎЛСА, ЧЎЛ ҲАМ ГУЛИСТОН...

"Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш учун 2021 йилда давлат томонидан ажратилган 55 миллиард сўм маблағ, асосан, аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга йўналтирилади, бу борада кенг қўлланма ишлар бошлаб юборилган ҳам. Жумладан, сувни чуқуқлаштирувчи иккита янги катта станция қурилиб, тўртта мавжуд станция қайта таъмирланибди. Эркиндарё, Аспантой ва Қўқсув овулларига сувни чуқуқлаштирувчи 3 та станция қуриб берилди. Туман ташкил бўлмасидан олдин ичимлик сув билан таъминлаш курсаткичи бор-йўғи 35 фоиз бўлса, ҳозир 61 фоизга етган.

Аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қилинган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Бу ерда қисқа вақт ичида қиймати беш миллиард сўмлик катта газ тақсимлаш станция қурилгани сўзимиз тасдиқидир. Станцияга 26 километр узоқликдан юқори босимдаги газ қувурлари тортилди ва натижада икки йил ичида 1200 хонадон табиий газ билан таъминланди. Йил якунига қадар, насиб бўлса, яна 800 хонадонда табиий газ ёнади!

Аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ҳам эътиборда. Туркия билан ҳамкорликда янги барпо этилган "Бўзтекс" қўшма корхонаси ана шу эзгу саъй-ҳаракатларнинг дебюти. Бу ерда 150 хотин-қиз иш билан таъминланган. Қолаверса, ажойиб шарт-шароит яратилган. Бу меҳнатқашларнинг ишчанлик қайғирти юқори бўлишига муҳим. Қорақалпоқ аёллари ўз корхонада пешана тери эвазига яратилаётган махсулотлар чет элларга экспорт қилинаётганидан, шу орқали жонажон Ватани ривожига улуш қўшаётганидан фахру ифтихорда.

Бўзатов туманида 21 600 дан зиёд аҳоли яшайди. Албатта, уларни доимий иш билан таъминлаш, яшаш шароитини янада яхшилаш муҳим масала. Юқорида айтганимиздек, туман ахлининг аксарияти чорвачилик билан шугулланади. Улар чорва боқшининг ҳадисини олган, бу борада асрий тажрибаларга эга.

КУН САЙИН ОБОД ТУМАН...

Даштлар аро, тўқайлар ичра ўз ризиқ насибасини тегиб егувчи жонотлар бисёр. Бўзатов тўқайзорларига Яратган барака уруғини сочган, қорамоллар қишини қаҳратониди ҳам шу тўқайзорларда қолди кетиши ва омон чиқишини эшитиб, хайратга тушдик. Аммо инсон инсондай яшайди. Учин шароит керак, имконият яратилиши жоиз. Бугун қорақалпоқ элида, Мўйноқ Бўзатовда бўлган ҳар бир ватандошимиз Президентимиз Шавкат Мирзиёев жонажон юртимизнинг бир парчаси бўлган Қорақалпоғистон тараққиёти, халқининг бахтли, саодатли, тўкин

ҳаётидан рози яшаш учун ҳам барча имкониятларни ишга солаётганига, чексиз гамхўрлик қилаётганига ишонч ҳосил қилади.

Бунга амалда кўриш учун юқорида айтганимизни яна такрорлаймиз — Бўзатовга келин! Овуллар оқсоқоли кафти дуога очилганда юз-кўзларидан ёғилаётган нурни кўринг, тилларидан тўқилаётган болни, шукрона эътирофини эшитинг. Айниқса, Бўзатов ёшларининг ирмоқдай шарқираб, ёқутдай ярқираб, ўзига, истиқболга, Президентига қомил ишонч билан айтаётган сўзларини ҳаётининг хуш садосига менгасангиз арзийди.

Бийронлиги, билимдонлиги, китобхонлиги, шиддат-шижоати билан давлатимиз раҳбари назарига тушган, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, 1-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулсанам Урозбоева, 13-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Гулфериуз Сарибоева, ёш шоирлар Сайидназар Менглиев, Минора Холбоева каби ўнлаб истеъодлар мана шу Бўзатовнинг эртаси, Бўзатов бахтининг бахорлари, дегимиз келайди.

Бугун Бўзатов осмониди Тангри қуёши порлаб турибди. Бўзатовликлар қалбиди эса қўнча Жайхуннинг шиддати шарқирайди.

Туман ҳокими эътирофича, улар 2020 йилнинг кўкларини, айниқса, Наврўз байрамини зўр шодона қилиб, катта тантаналар билан қутиб олмоқчи эдилар. Аммо пандемия панд берди. Шўқри, 2021 йилнинг баҳорини бахтларидан балқиб қутиб олишди. Ниятимиз шукки, Бўзатов ахлига, улуғ қорақалпоқ элига баҳорий бахт ҳаммиса эргашиб юрсин!

Чўл ичинда жон сақлаб, Жон ичинда шон сақлаб, Фарзандлик шаънини оқлаб, Яшар бўзатовликлар.

Ёрқин дарё ёғдуси, Янги замон кўзгуси. Ушалиб хуш орузуси, Яшар бўзатовликлар.

Осмонтойнинг оқшоми, Туннинг тонга саломи. Кафтлар дуо жоми, Яшар бўзатовликлар.

Довудқўл ётар порлаб, Эли бағрига чорлаб. Урдак овлаб, гоз овлаб, Яшар бўзатовликлар.

Қадрига қанот бўлиб, Юрт мадҳи баёт бўлиб, Кун сайин обод бўлиб, Яшар бўзатовликлар, Яшар бўзатовликлар!

Тошкент — Нукус — Бўзатов — Тошкент 2021 йил

БЎЗАТОВДА БАХТ БАҲОРИ

Бошланиши 1-бетда

Бобо Бердақ бир пайтлар нафақат Бўзатов, балки буткул қорақалпоқ элини кезиб тополмаган "бахт йўли"дан бизлар шоён ўтдик. Тўғриси, кўзимизга яшириб нима қилдим, Нукусдек шаҳарга келмаганимга ҳам беш-олти йил бўлди. Уша йиллар давомида мен билган-кўрган Нукус мутлақо янгилини кетибди. Гўзалликда, улғуворликда, улкан-улкан иншоотлар тарихининг бир-бирига мутаносиблигида, замонавий архитектурада мамлакатимизнинг энг олд шаҳарларига бўйлашадиган ҳолат мужассам, десам муболага бўлмас. Шаҳар шу даражада нафиски, асир бўласиз, бунёдкорларга тасанно айтасиз!

Аслида биз Тошкентдан Бўзатовни кўзлаб йўлга чиққанмиз. Бугунги Бўзатовни кўриб, Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида фаолиятини бошлаган илк кўнларийё: "Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш, оқўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳаққидир", деган сўзлари бугун Ўзбекистонимиз, хусусан, Қорақалпоғистонимиз ҳам шаҳарлариди, чекка-чекка туманлариди ўз ижобатини топаётганига қомил ишонч ҳосил қилдик. Бунинг учун бориш, кўриш, у ерлардаги юртдошларимиз билан икки оғиз суҳбатлашиш кифоя. Ана шунда Бердақ бобо ватанини шод қилиш учун излаган "саодат йўли"ни қорақалпоқ халқи толганига гувоҳ бўласиз.

ЧЕХРАСИДА ОФТОБ БАЛҚИГАН ЭЛ

Бўзатов ҳақида ўйлаб бошлаганимда, не сабаб дилимда "Бўзатовликлар нимадан зериккан?" деган савол айланди. Жавобини ҳам ўзим толгандек бўлдим. Туманларнинг қайта-қайта ташкил этилишидан, тугатилишидан ва ўзга туманларга қўшиб юборилишидан зериккан, деган ўйга келдим. Чунки чорвачиликка ихтисослаштирилган Бўзатов тумани илк бора 1979 йилда ташкил этилган ва 1988 йилда тугатилиб, 1990 йилда яна туман сифатида ажратилган. Сўн 2004 йилда Кегейли тумани таркибига қўшиб юборилган. Ниҳоят,

давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йилнинг сентябрь ойида Кегейли тумани таркибидида "Бўзатов" шаҳарча фуқаролар йиғини, "Қусқанатов", "Эркиндарё", "Аспантой" овул фуқаролар йиғинлари ҳамда Чимбой тумани таркибидида "Қўқсув" овул фуқаролар йиғини ҳудудлари бирлаштирилиб, умумий майдони 2035,44 квадрат километр бўлган Бўзатов тумани тузилди.

Бугун бугун Ўзбекистон эътибори Бўзатовга қаратилган айни ҳақиқат. Бойси, Президентимизнинг ўтган йил октябрда Қорақалпоғистонга қилган ташрифи доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бу ерда "Шеърят фестивали" ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг таниқли адиблари, адабиёт ихлосмандлари, ижодкор ёшлар иштирок этди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги "2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан, 2021 йилдан бошлаб ҳар йили апрелнинг биринчи ҳафтаси мамлакатимизда "Китобхонлик ҳафталиги" этиб белгилангани ва шеърят фестивали доирасида ушбу ҳафталиқнинг ҳам ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этди.

Шу йилнинг 5-6 апрель кунлари "Шеърят фестивали"да иштирок этиш учун бир гуруҳ ижодкорлар қаторида Қорақалпоғистонга сафарга отландим. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, камина ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир Нодир Жонузоқ, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий анжуманлар биз кутгандан ҳам аъло, биз ўйлагандан-да, ёқимли, тазсирли ва ҳаяжонли бўлди.

Авалло, қорақалпоқ халқининг меҳмоннавозлиги, очик чеҳраси, самимияти, одамохунлиги, бағрикенгликда қорақалпоқ саҳроларига менгасса бўладиган қалби, меҳру муҳаббати бизни ром этди. Эчн муҳими, қайси касб, қайси соҳа эгаси ёки катта ва кичик бўлмасин, биз билан мулоқотда бўлган қорақалпоқ халқининг чеҳрасида офтоб, тилида ифтихор, сўзида раҳмат, қалбидида элига, ватанига, Президентимизга муҳаббат порлаб турганини кўрдик.

шамчироғи. Шоир Усмон Азим ибораси билан айтиганда, ўқилган китоб — бу кўнгил оламига очилган йўл! Бу яшашга, курашга чорлов. Ўқилмагани эса жонсиз қоғоз. Анжуманда жонли сўзлар, жилоли сўзлар лутф этилди. Қорақалпоқ китобхонлари билан ижодкорларнинг юзма-юз гурунги ўз ҳақиқати билан ҳар икки тараф учун ҳузурбахш бўлди. Чунки даврада халқига, ватанига муҳаббати борлар рўбарў туришарди. Орада китоб бор эди, диллар ҳам китоб нурига, ҳикмати чулганган эди.

Кутубхона директори, хушрўй қорақалпоқ аёли Зулфия Сейдинязова ижодкорларнинг анжуманга қутилган кутилмаган ташрифидан чунонам хушнуд эдикки, ўзига сиймаётгани гап-сўздан, юз-кўзидан шундоқ аён бўлди. Зулфияхон бизни кутубхона фаолияти билан таништирди.

Биз Нукусда кечган илк учрашувда мезонларга ҳам китоб бериб, ҳам уларнинг китобга муҳаббатидан қалбимизга ёғду олиб қайдик. Бу китоб, илму маърифат ёғдуси эди.

ИБРОЙИМ ЮСУПОВ ЁҒДУСИ

Ана шу ёғду таровати ила тушдан кейинги учрашувимизга, Ибройим Юсупов номидаги ижод мактабидида кечган катта кечага кириб бордик. Жараёнда қорақалпоғистонликлар ўз-лиги, миллати билан қанчалар фахрланса, Ўзбекистон Қаҳрамони, икки халқнинг шоири Ибройим оға билан ҳам шу қадар ғурурланиши билинди. Ҳа, Ибройим Юсупов ўз халқи қалбидида ҳаммиса бор, ҳаммиса уйғоқ ва офтобни бил турувчи улкан ижодкор! Шу боис, шоирдан тўрт мисра қўшиқ айтмайдиган қорақалпоқни топиш мушкул бу ёқларда. Шунинг учун мазкур ижод мактабидидаги учрашув ҳам баланд руҳда, самимий ва ҳароратли ўтди. Сўзга чиққанлар ва тингловчилар қалбларини бир-бирига Ибройим оғанинг улуғворлиги, ўлмас шеърлиги, танти шахсияти, тирик руҳи боғлаб турди, гўё. Гапирганлар ҳам, эшитганлар ҳам улғайди, уйғонди.

Элимизнинг ардоқли шоири Усмон Азим бахшиёна дил билан тўкилди,

тумани Ўзбекистон адабиёти ва санъати ахлининг сеvimли масканларидан бири бўлганини кўп шоиру ёзувчилар, санъаткорлар яхши билади. Чунки бу қадимий ва навқирон гўшада ёш ижодкорларнинг "Ақчақул гўшлари" семинари ва эл ардоғидидаги бетақор санъаткор Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган "Нафосат бустоним менинг" фестивали бўлиб ўтарди. Шу йилдан эътиборан, мазкур фестиваллар "Шеърят фестивали" ҳамда "Ёшлар овози" санъат байрами тарзида Бўзатовда ўтказилади ва икки халқнинг ёшлари орасидан иқтидорлиларини кашф этадиган улкан ҳаракатга айланади. Бунинг учун эса Бўзатов туманида хавасли ва хайратли бунёдкорлик ишлари амалга оширилляпти.

Нукусдан йўлга отланган ижодкор меҳмонларни Бўзатов тумани ҳокими Махмуд Қайланов раҳбарлиғидидаги туман ахли Бердақ боғида қутиб олди. Ёш ижодкорлар бийрон-бийрон тили, ёқимли овози билан бизни ўз шеърларига мафтун этди.

Бердақ ҳайкали пойига гуллар қўйилган, янги бунёд этилган улғувор Ёшлар марказида аҳоли вакиллари ва ёшлар билан самимий учрашув бўлиб ўтди. Ёшлар марказида беш ташаббуснинг амалдаги ижобатини кўриб, кўзимиз қувонди. Ажабо, ёш истеъодларини кашф этадиган ва уларни турли касб-хунарга ургатадиган 15 та тўғарак фаолият юритяпти бу даргоҳда!

Бу худудларни, овулларни айлиб шохиди бўлганимиз — айнан икки йилда амалга оширилган хайрли ишлар қўламини шу даражада улғуқи, киши хайратга тушади. Замон талабларига жавоб берадиган ёзги уйингоҳ, ёнида қад ростилаётган ва шу йил ноябрда фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётган киши спорт мажмуаси, "Шеърят фестивали"нинг якуний босқичи ўтган ёзги амфитеатр — барчаси бетақор! Мавжуд 15 та умумтаълим мактабининг 9 таси икки йил ичида қайта таъмирланиб, зарур ўқув анжомлари билан таъминланибди. Қолганлари бу йил қайта чрой очили айтилди.

Шунингдек, бешта мактабгача таълим ташкилоти қайтадан реконструкция қилинган ва 90 ўринли янги боғча бунёд этилгани бўзатовликларнинг кўксини тоғдек қўтариб юборгани рост.

АДАБИЙ ҲАМКОРЛИК

ТАРЖИМА — МАДАНИЯТНИ БОЙИТУВЧИ МУҲИМ ОМИЛ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридида Таржимонлар бюроси билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур бюро Президентимиз фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, давлатимиз раҳбари ва ҳукумат бошлиғи, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокидаги расмий тадбирларни синхрон ва изчил таржима билан таъминлайди, халқаро шартномалар лойиҳаларини давлат тили ва хорижий тилларга ёзма ва оғзаки таржима хизматларини кўрсатади ҳамда олий тоифадаги дипломат-таржимонларни тайёрлайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридида кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган Таржима кенгаши эса жаҳон адабиётининг энг сара асарларини ўзбек тилига, ўзбек адабиёти намуналарини дунё тилларига ўтираётган таржимонлар, таржима назарияси бўйича тадқиқот қилаётган олимларни бирлаштирган. Кенгаш ўзбек таржимашунослиғида амалга оширилган ишларни, бадий таржима



соҳасидаги сўнги тенденцияларни ўрганади, уларни умумлаштирилади, янги таржималарни таҳлил қилади.

Учрашувда таржима давлатлар ўртасидидаги дўстона алоқаларни ривожлантириш, турли маданиятларни англаш, инсоният яратган маънавий меросни тушуниб етиш орқали ўз маданиятини бойитишнинг муҳим омилли экани эътироф этилди. Ўзбекистон жаҳонда муносиб ўрин эгаллашга интилаётган бугунги кунда таржима ва таржимоннинг аҳамияти янада муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Таржимонлар бюроси раҳбари Иқболжон Солиев тузилмада инглиз, француз, немис, италян, испан, форс, турк, хинд, урду, дарий, хитой, корейс ва япон тиллари бўйича бўлимлар фаолият юритаётганини билдирди. Унинг айтишича, бюро Ўзбекистондаги мавжуд таржима аъёналари, иждоий тажрибаларни ўрганиш асосида ўз йўлини топишга, услубини яратишга интилимда.

— Таржимонлар бюроси ходимлари сафиди шогирдларимизни ҳам кўрапмиз, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон Беголим Холбоева. — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида берган сабоқларимиз давомида биз ўзбек шоирларининг инглиз тилига ўтирилган шеърларини таҳлил қилганмиз. Бу — икки тил имкониятларини янада чуқурроқ билиб олишнинг энг яхши йўли. Таржима борасида маҳорат сабоқлари зарур бўлса, биз ёрдамга ҳаммиса тайёрмиз.

— Таржима ҳаммиса лўғат бойлигини ошириб боришни тақозо этади. Бадий адабиёт бу борада жуда яхши кўмакчи, — деди таржимон Бобожон Шариф.

Давра суҳбатида таржима соҳасининг бугуни, ўзбек адабиётини хорижда танитиш истиқболлари, халқаро адабий алоқаларни ривожлантириш, ёш таржимонларни қўллаб-қувватлаш масалалари ҳақида сўз юртилди.

Учрашув сўнгида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасида келишиб олинди.

Гулноз ТОҶИБОЕВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима бўлими етакчи мутахассиси

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ
Тахририятга келган қўлемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик хизматдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" М-Ж масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридидаги Ақборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1339.
79778 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.
"KOLORPAK" М-Ж босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов
Мусахҳис: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбучтичлар кўчаси, 32-уй
ЎзА яқуни — 22:50. Тоширилки — 23:50